

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ: МУАММО, ЕЧИМ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**Мирзаалиева Шаҳодат Мирзаназаровна,**  
Тошкент вилояти Қибрай тумани  
Чингелди маиший касб-ҳунар коллежи  
маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

**For citation:** Shakhodat M. Mirzaalieva. Challenges, solutions and prospects. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 105-113.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-13>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши, соҳадаги тўсиқ ва муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган самарали ечимлар, статистик маълумотлар, мамлакат туризмнинг истиқболларига доир масалалар кўтарилган. Шунингдек, туризм соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** туризм, Ўзбекистонда туризм, туризм соҳасини ривожлантириш, статистика, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

### ТУРИЗМ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ, РЕШЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ

**Мирзаалиева Шаҳодат Мирзаназаровна,**  
Заместитель директора Кибрайского профессионального колледжа бытовых услуг Чингелди

## **АННОТАЦИЯ**

В данной статье подняты вопросы перспективного развития сферы туризма в Узбекистане, преграды и проблемы стоящие перед туризмом страны и эффективные решения их. А также рассмотрены основные нормативно-правовые акты, касающиеся сферы туризма.

**Ключевые слова:** туризм, туризм в Узбекистане, развитие сферы туризма, статистика, нормативно-правовые акты.

---

## **TOURISM IN UZBEKISTAN: CHALLENGES, SOLUTIONS AND PROSPECTS**

**Mirzaalieva Shakhodat Mirzanazarovna,**  
Deputy Director of Qibray Professional College  
of Domestic Services Chingeldi

## **ANNOTATION**

This article raises issues of the prospective development of the tourism sector in Uzbekistan, the barriers and problems facing the country's tourism and their effective solutions. And also considered the main regulatory acts relating to the tourism sector.

**Key words:** tourism, tourism in Uzbekistan, the development of the tourism sector, statistics, legal acts.

---

“... Ўзбекистонда туризм жуда манфаатли, истиқболли соҳа.

Шунинг учун бу соҳага тадбиркорларни, инвесторларни кўпроқ жалб этиб, уларга “яшил йўлак” қилиб бериш керак”[1].

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бугунги глобал жаҳон иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туризм соҳаси муҳим ва етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бутунжаҳон миқёсида туризм тармоғининг тутган ўрни ва роли йил сайин ўсиб бормоқда. Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида сердаромад тармоқлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тарихий ва маданий жиҳатдан улкан меросга эга бўлиб, бу юртимизда улкан салоҳиятли туризм индустриясини изчил ва барқарор ривожлантириш имконини яратади.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасига хориждан ташриф буюрувчи туристлар сони 2009 йилдаги 1,2 миллиондан 2013 йилга келиб 2 миллионгача ўсган. Бунда, Россия Федерациясидан ташриф буюрган саёҳатчилар инobatга олинмаган. Чунки, улар

МДХ вакиллари (жами ташриф буюрган туристларнинг 40,5 %ини ташкил этади) сифатида алоҳида кўрсаткичларга олинган[2].

Ҳозирги кунда ушбу соҳа дунё аҳолисининг кўплаб қисмини ўз доираси атрофига бирлаштирди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, “1950 йилда халқаро туристлар сони 25 миллион, 1980 йилда 278 миллион, 1995 йилда 528 миллион ва 2017 йилга келиб 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2030 йилга келиб 1 миллиард 800 миллион кишига етиши башорат қилинмоқда[3]”.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари туризм соҳасини янада тараққий эттириш, ўзининг ички туристик салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда соҳага оид барқарор инфратузилмани замон талаблари даражасига кўтариш ҳамда шу орқали иқтисодий-ижтимоий ўсиш суръатларини мустаҳкамлашга интилоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бири ҳисобланади. Дунё бўйича, иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунё бўйлаб бир миллиарддан[4] зиёд киши саёҳат қилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда туризм соҳасининг кенг кўламада ҳамда истиқболли ривожланишига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ[5], туризм соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида белгиланди.

Фармонда туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги босқичға ўтишини белгилаб берадиган ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди.

Бу билан, мазкур ҳужжат туризм соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бириға айланди. Бундай ёндашув туризмнинг барча ҳудудларини ва ўзаро боғлиқ тармоқларини комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучиға айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасиға айлантиради[6].

Шу билан бирға, Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги Қарори билан 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури[7] тасдиқланди. Бу

орқали Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш (1); мамлакат ҳудудларининг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш (2); туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш (3); миллий туризм маҳсулотларини яратиш ҳамда уларни жаҳон бозорларида кенг тарғибот қилиш (4); туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш (5) сингари долзарб масалаларга асосий урғу қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон жуда катта туристик салоҳиятга эга эканлигига қарамасдан, мазкур соҳа нисбатан эътибордан четда қолиб келган. Эндиликда эса, мамлакат туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисмига айлантирилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш олдида турган тўсиқлар, амалий-ташкилий камчиликлар ҳамда муаммоларни бартараф қилиш, соҳага оид миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон, 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095-сонли қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”[8] деб алоҳида белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз туризм соҳасини тараққий эттириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини билдиради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу соҳа доирасида қабул қилаётган муҳим қарорлари давлатимиз-

нинг туризм соҳаси ривожига юксак эътиборидан далолат беради. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, мамлакат туризм салоҳиятини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди, ички туризмни янада ривожлантиришга кўплаб имтиёзлар, енгилликлар берилди.

Тегишли қарорлар билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликлари оширилди, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилди ҳамда мазкур ташкилотларнинг имкониятлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон бой тарих, улкан маданий-маърифий мерос, инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк олимлар, уламолар, Ислом ва ҳадис илми билимдонлари, инсонпарварлик ва адолатпарварликни илгари сурган ҳукмдорлар, саркардалар, жаҳон шеърляти ва санъатида оламида юксак ўринга эга бўлган шоиру расомлар юртидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Буюк ипак йўлида жойлашган, асрлар силсиласида қадимий шаҳарлари, тарихий обидалари билан машҳурдир. Мамлакатимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Ушбу буюк тарихий меросни борлигича, бутун хусусиятларини, энг ижобий қирраларини инобатга олган ҳолда намоён этиш, хусусан, мамлакат туризми истиқболи йўлида хорижлик сайёҳларга тақдим этиш, шу орқали, туристлар оқимини янада кўпайтириш борасида ҳали олдимизда турган, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп.

Бу борада, биргина мисол, муҳтарам Президентимиз томонидан “... Биз чет эллик туристларни қадимий тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. Лекин Хоразмнинг, Хиванинг тарихи тўлиқ ўрганилмаган, уни таништириш бўйича тизим ҳам йўқ. Шунинг учун Хоразм тарихини энг қадимги даврдан бошлаб йилмайил ўрганиб, одамларга содда тилда тушунтиришни йўлга қўйиш керак...”, деган муҳим амалий мулоҳазалар билдирилган эди[9].

Шунингдек, мамлакатимизда туризм соҳаси доирасида олиб борилаётган илмий изланишларни, илмий-амалий тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Илмий тадқиқотлар доирасида ишлаб чиқилган замонавий таклифларни, илмий-амалий хулосаларни амалиёт билан боғлаш масалаларига ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Соҳага оид хорижий ва миллий изланишларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг асосий муҳим жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш



орқали мамлакатимизда туризм соҳасини янада юқори поғоналарга кўтаришимиз мумкин. Хусусан, охириги йилларда бу борада қатор илмий тадқиқотлар[10] олиб борилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни ҳам изчил ва бардавом ривожлантиришимиз зарур.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 22 февраль куни туризм соҳаси доирасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди[11]. Билдирилган танқидлардан керакли хулоса ясаб, мутасадди ташкилотларга зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини изчил ривожлантиришнинг қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифа ва устуворликларидан келиб чиқиб, қатор муҳим ва асосий йўналишлар[12] белгилаб олинди: туристик фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни жорий этиш (1); туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш (2); транспорт логистикасини ривожлантириш, ташқи ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш (3); туризм бозорининг турли қатламларига мўлжалланган туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш орқали мавсумий омиллар таъсирини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш (4); республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминлайдиган ички туризмни ривожлантириш (5); миллий туристик маҳсулотни ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш (6); туризм соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш (7).

Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш, жаҳон намунасидаги туристик хизматларни йўлга қўйишни такомиллаштириш, ушбу соҳа тараққиёти йўлида изчил ва барқарор ташкилий-амалий ишларни, муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш яқин истиқболдаги вазифалар этиб белгиланган. Мазкур вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 5 январдаги ПФ-5611-

сон Фармони доирасида қабул қилинган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясидан ўрин олган[13].

Шунингдек, Концепцияда яқин йилларда Ўзбекистонда туризмни босқичма-босқич ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган. Бу муҳим ҳужжатдан, туризмни ривожлантириш учун мустақкам қонунчилик базасини яратишга қаратилган институционал ислохотлар, инфратузилмани модернизациялаш ва мамлакат брендини тарғиб қилиш (2019-2020 йй.) ҳамда мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш (2021-2025 йй.) чора-тадбирлари ўз аксини топган. Асосий мақсад – мамлакат ЯИМда туризм улушини ошириш ҳамда хорижий сайёҳлар сонини доимий равишда ошириб боришни таъминлаш.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ички туризм, зиёрат туризми, экотуризм, тиббиёт ва маданий туризм каби йўналишлар ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда туризм соҳасини янада ривожлантириш йўлида бир қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур. Хусусан, Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш лозим. Бу, айниқса, мамлакатда ички туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг туристик имкониятлари ва салоҳиятини чуқур ўрганиш, минтақалар кесимида янги туристик маҳсулотларни яратиш ҳамда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонда иқтисодиётнинг стратегик сектори ҳисобланган туризм соҳасини тараққий эттириш учун барча зарурий шароитлар ва имкониятлар, қонунчилик асослари яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида, жаҳон бўйлаб Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти, мамлакатнинг ўзига хос туристик бренди ривожланиб, тобора юксалиб бормоқда. Соҳа ривожини учун белгилаётган чора-тадбирлар жаҳон даражасидаги замонавий талабларни инобатга олган ҳолда изчил амалга оширилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Туристларни тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. 2018 й. 29 ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – [www.president.uz](http://www.president.uz).

2. Анализ туризма в Узбекистане – Результаты опроса международных туристов 2014 года с учетом данных Национального вспомогательного счета туризма / Всемирная туристская организация (ЮНВТО). – Мадрид, 2015.

3. UNWTO Tourism Highlights, 2017 Edition // БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг расмий веб-сайти – [www2.unwto.org](http://www2.unwto.org).

4. БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талейб Рифаининг ЮНВТО (UNWTO) Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқидан // Моҳият. – 2014. – 3 октябрь. – № 40.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони. 2016 йил 2 декабрь // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016 й. 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда, 19-сон, 332-модда.

7. 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли Қарорига 1-илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

9. Мирзиёев Ш.М. Туристларни тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. 2018 й. 29 ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – [www.president.uz](http://www.president.uz).

10. Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик – рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. – Иқт. фан. бўй. фалс.док. дисс., Самарқанд: 2018; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. – Иқт. фан. бўй. фалс.док. дисс., Самарқанд: 2018; Сафарова Н.Н. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. – Иқт. фан. бўй. фалс.док. дисс., Тошкент: 2019; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). – Иқт. фан. док. дисс., Самарқанд: 2019; Абиев Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисо-



дий механизмларини такомиллаштириш. – Иқт. фан. бўй. фалс.док. дисс., Самарқанд: 2019.

11. Туризм – мамлакатимиз иқтисодиётининг эртанги куни. 2019 й. 22 февраль // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти – [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони. 2019 й. 5 январь // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

13. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).